O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 16 YANVAR ◆ SESHANBA ◆ № 8 (26.710)

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг фахрий профессори унвони берилди.

ОҚСАРОЙДА УЧРАШУВ

15 январь куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашув чоғида Москва Давлат университети ректори Виктор Садовничий давлатимиз раҳбарига мазкур унвон дипломини тантанали равишда топширди. Мамлакатимиз Президенти бу унвонга Ўзбекистон — Россия муносабатларини ҳамда фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун сазовор бўлди.

Ислом Каримов эътирофи ва кўрсатган ҳурмати учун москвалик олимларга миннатдорлик билдирди.

В. Садовничий Ўзбекистонда янги авлод тарбияси, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар россиялик олимлар, таълим соҳаси мутахассислари томонидан юксак баҳоланаётганини таъкидлади. «Биз сизни келажак авлодлар учун катта ғамхўрликлар қилаётган давлат раҳбари сифатида алоҳида ҳурмат қиламиз, — деди у. — Хусусан, Ўзбекистонда сиз бошчилигингизда ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳақиқатан ҳам, катта эътиборга молик ҳужжатдир».

Россиянинг энг йирик ўқув маскани бўлган Москва Давлат университети халқаро майдонда ҳам катта обрў-эътиборга эга. Шу боисдан университетнинг фахрий профессор ёки докторлиги унвони дунё миқёсида обрў қозонган илм-фан, маданият ва сиёсат арбобларига берилади. Мазкур илм даргоҳининг фахрий профессорлари рўйхатида оламга машҳур адиб И.Гёте, Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Ж.Неру, АҚШ Президенти Б.Клинтон, Украина Президенти Л.Кучма каби машҳур шахслар борлиги бунинг ёрқин далилидир.

■ (ЎзА)

Суратда: қабул пайти.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

МУВОЗАНАТ

ТЎСИҚЛАР БАРҲАМ ТОПСА

Президентимизнинг Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисидаги нутқи иқтисодиётимиз тараққиётига соғломлик бахш этиши билан қадрлидир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, иқтисодиётимиз янгича маъно ва мазмун билан юксалмоқда. Биргина бизнинг вилоятда 77 қўшма корхона ташкил этилган. Улар маҳаллий хомашё ва ишчи кучларидан фойдаланган ҳолда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутгани мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими 5 мингдан ортиқ киши ишли бўлди. Республика ҳукуматининг 2000 йил 11 октябрдаги қарорига биноан 2001-2005 йилларда яна 24 та қўшма корхона барпо этилади.

Бироқ, биз бу соҳада баъзи имкониятларни бой бераётганимиздан кўз юммаслигимиз керак. Булар кенгашда ҳам тилга олинди. Кўпинча пишиқ-пухта ўйланган лойиҳалар бюрократик тўсиқлар сабаб амалга ошмай қолмоқда. Масалан, қўшма корхона очишга киришган тадбиркор, таъбир жоиз бўлса, бор будини ҳужжат тўғрилашга, корхона қуриш, жиҳозларни ўрнатишга сарфлайди. Қани энди шу билан тугаса. Энди корхонага хомашё олиш учун яна шунча харажат, елиб-югуришлар керак. Техник иқтисодий асослаш ҳужжатларини қайта тайёрлаш лозим. Ҳали-ҳануз айрим идораларда маълумотномани тасдиқлаш учун ҳам маълумотнома талаб қилувчи бюрократлар бор. Вилоятда ташкил этилган бир қатор қўшма корхоналар ҳамда пахтани қайта ишловчи саноат корхоналари ҳозиргача хомашё муаммосини ҳал этолмаганлиги натижасида тўла қувват билан фаолият кўрсата олмаётир.

Ҳозир иқтисодиётимизда «воколизация» деган термин пайдо бўлди. Яъни, дейлик «Аснамтекстил» яқинига биз тўқиш, тикиш технологияларини жойлаштиришимиз лозим. Бу билан аввало корхона калавани бозорга чиқармай (сув текинга) мато тўқиб, ундан бежирим кийимкечаклар тикиш имкони туғилсин.

Яна бир гап, вилоятлардаги мувофиқлаштирувчи кенгашлар масъулиятини ошириш пайти келди. Уларнинг тавсия-таклифлари пойтахтда инобатга олиниши лозим, деб ўйлайман. Ҳарҳолда бу кенгашлар ўз шароит ва имкониятларини ҳисобга олиб, маълум бир ечимга келадилар.

Юртбошимиз бизнинг соҳа мутахассисларига ўринли таъналар айтдилар. Дарҳақиқат, истиқболга мўлжалланган амалий тавсиялар устида ишлашимиз керак. Албатта, бунда бир вилоятда ўнлаб тўқув корхоналари бўлиб қолмаслиги ёки айрим хориж «ишбилармонлари» кўзбўямачилик қилиб, даққиюнусдан қолган, ҳозир бозори ўлган технологияларни суқиштиришларига ҳам йўл қўймаслик зарур.

■ **Раҳмонжон ЗАРИПОВ,**
Наманган вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

ПАРТИЯ ХАБАРИ

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти, партия ташкилотларининг, мамлакат Президенти И.А. Каримовнинг, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги, Фармойишидан келиб чиқадиган, вазифалари ҳақида, қарор қабул қилди. Демократиянинг муҳим талаби, — дейилади унда, — барча фуқароларнинг амалдаги қонунларга қатъий риоя қилишидир. Бунинг учун фуқаролар қонунларни, хусусан, мамлакатнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Конституциясини, яхши билишлари ва ўзларининг хатти-ҳаракатларини уларга монанд тарзда амалга оширишлари керак.

Марказий Кенгаш Котибияти Ўзбекистон Халқ демократик партияси республика раҳбариятининг, мамлакат фуқароларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган, саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётганлиги ва бу йўналишдаги ишнинг муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, барча даражалардаги партия кенгашлари олдига Ўзбекистон Конституцияси қоидаларини ХДП барча аъзолари, хусусан ёш партиядошлар, томонидан ўрганилишини ташкил этиш вазифасини қўйди. Ушбу мақсадда, партия ўқувининг турли шаклларидан ҳамда ҳуқуқшунос-олимлар, тажрибали амалиётчилар, малакали мутахассислардан фойдаланиш, шунингдек, уларга Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика Ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази, бошқа жамоат бирлашмаларининг жойлардаги бўлинмалари, ўқув юртлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан, ҳамкорлик қилиш тавсия этилди. Бу ишда маҳаллий партия ташкилотларига кўмаклашиш ниятида, Марказий Кенгаш аппаратининг тегишли бўлинмаларига зарур услубий ашёларни тайёрлаб, жойларга етказиб бериш вазифаси топширилди.

Қарорда, шунингдек, партия матбуот нашрлар таҳририятлари зиммасига, Ўзбекистон Конституцияси қоидаларини тарғиб қилишга оид, доимий рукнлар очиб, малакали мутахассислар мақолаларини чоп этиш масъулияти юклатилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

МДУ ОЛИМЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети (МДУ) делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ташриф буюрди.Учрашувда олий таълим соҳасида алоқаларни чуқурлаштириш, ўзаро талабалар алмашув тўғрисида сўз борди.Шу боис мазкур вазирлик ва университет ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.Битимни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов ҳамда МДУ ректори В.Садовничий имзолади.

МДУ делегацияси Ўзбекистон ташқи ишлар вазири, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори А.Комилов ҳамроҳлигида номи зикр этилган илм даргоҳига ташриф буюрди ва талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бораётган бўлса-да, таълим соҳасидаги ҳамкорлик бироз оқсаётгани, бундай сусткашликка барҳам бериш кераклиги қайд этилди.Хусусан, МДУ делегацияси раҳбари, университет ректори В.Садовничий, Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти жуда юқори эканлигини ва олимларимиз дунё фани тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётганини айтди. Мамлакатларимиз олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш эса бундай илмий имкониятларни янада кенгайтиради.

Россиялик меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университетида ҳам бўлиб, мазкур ўқув даргоҳи профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашув ўтказди.

■ (ЎзА)

ЯПОНИЯНИНГ ЯНГИ ГРАНТИ

Япония ҳукумати «Озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш» лойиҳаси бўйича Ўзбекистонга 550 миллион иен (тахминан 5,5 миллион АҚШ доллари) миқдорида беғараз молиявий ёрдам ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ушбу грант бўйича Алмашув нотолари имзоланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев ҳамда Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К.Накаяма хоним имзолади.

Япония 1995 йилдан буён Ўзбекистонга «Озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш» лойиҳаси бўйича беғараз ёрдам кўрсатиб келади. Айни пайтда ушбу лойиҳа асосида ажратилган кўмак миқдори 2,6 миллиард иен (24 миллион доллар)га етди. Бу маблағ ғалла ва шоли ўриш комбайнлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олишга сарфланмоқда. Айни пайтда бундай техника Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти далаларида самарали ишлатиляпти. Ўтган йили улар ёрдамида 50 минг гектар майдондаги ғалла ва шоли ўриб-йиғиб олинди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ушбу грантлар ҳамда уларнинг ҳисобига олиб келинган техникадан қандай фойдаланилаётгани Ўзбекистон ва Япония мутахассислари томонидан мунтазам назорат қилиб борилаётир.

Япония ҳукумати томонидан ажратилган бу галги грант 2001 йилда берилган дастлабки молиявий кўмак бўлиб, ундан мақсад Қорақалпоғистон ва Хоразмда шоли етиштиришни кўпайтиришдир. Ушбу маблағ янги, замонавий қишлоқ хўжалик техникаси — шоли ўриш комбайнлари ва зарур асбоб-ускуналар сотиб олишга ишлатилади.

■ (ЎзА)

БОЙМИСАН, МУРУВВАТЛИ БЎЛ!

Ангрен шаҳрида «Меҳр-мурувват ўн кунлиги» шиори остида хайрия тадбири ўтказилди. Айни кезда шу мақсадда ташкил этилган жамғармага ўтказилган маблағ 22 миллион 240 минг сўмни ташкил этди.

— Бу маблағ ҳисобидан кам таъминланган оилалар, ногиронлар ижтимоий муҳофаза этилади, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Фурқат Исроилов. — Бундан ташқари, шифохоналарда даволанаётган бемор ҳамда 98 нафар туғма ногирон болаларга янги йил байрами кунларида турли хил совға-саломлар берилди. Шунингдек, шаҳар тадбиркорлар палатаси томонидан 28 оиланинг ҳар бирига 10 минг сўмдан мурувват кўрсатилди.

Мурувват ўн кунлигида шаҳардаги «Ўзбекрезинатехника», 9-шахта, «Саноат-қалинқоғозсавдо» сингари саноат корхоналарининг улуши катта бўлди.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 16 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */

1 Австралия доллари	180,37	10 Люксембург франки	76,80
1 Австрия шиллинги	22,51	1 Малайзия рингГити	85,97
1 Англия фунт стерлинги	482,47	1 Германия маркаси	158,40
10 Бельгия франки	76,80	1 Польша злотийси	79,76
1 Голландия гульдени	140,58	1 СДР	427,21
10 Греция драхмаси	9,10	1000 Туркия лираси	0,49
1 Дания кронаси	41,51	1 Финляндия маркаси	52,11
1 БАА дирхами	88,93	1 Франция франки	47,23
1 АҚШ доллари	326,63	1 Швейцария франки	201,42
1 Миср фунти	85,28	1 ЕВРО	309,81
10 Испания песети	18,62	10 Жанубий Корея вони	2,54
100 Италия лираси	16,00	10 Япония иенаси	27,44
1 Канада доллари	217,64	1 Россия рубли	11,52
1 Хитой юани	39,46	1 Украина гривнаси	60,11

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«РАМАЗОНОВ ҚОНУНДАН ЗЎР...МИ?»

2000 йил 5 декабрда «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Рамазонов қонундан зўр...ми?» сарлавҳали танқидий мақолада қайд этилган факт ва ҳолатларни ўрганиб чиқиш мақсадида «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг 2000 йил 11 декабрдаги 114-сонли буйруғига мувофиқ ишчи гуруҳи тузилиб, «Сурхондарёнефтмаҳсулот» корхонаси ва Сариосиё нефть базасида текширув ўтказилди.

Текшириш жараёнида мақолада қайд этилган хато ва камчиликлар қисман ўз тасдиғини топди. Иш фаолиятида камчиликларга йўл қўйган «Сурхондарёнефтмаҳсулот» корхонаси ва Сариосиё нефть базасининг раҳбар ва мутасаддиларига ходимлари «Ўзнефтмаҳсулот» АКнинг 2001 йил 10 январидаги 8-сонли буйруғи билан интизомий жазога тортилдилар.

Жумладан, «Сурхондарёнефтмаҳсулот» корхонаси директори С. Абрайқуловга ходимларни лавозимларидан бўшатиш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқлар асоссиз, амалдаги меҳнат қонунларига хилоф равишда чиқарилганлиги, юқори ташкилотлар ва корхонанинг кўрсатма ҳамда буйруқларини мутасадди ходимлар ва нефть базалари раҳбарлари томонидан бажарилишининг назорат қилинишини сусайтириб юборганлиги учун хайфсан эълон қилинди. Корхона бош мутахассиси, ўз вақтида корхона директори ўринбосари вазифасини бажариб келган Э. Ғаффоровга юқори ташкилотларнинг кўрсатмаларига хилоф равишда, ўзбошимчалик билан Сариосиё нефть базаси директори Я. Рамазоновни Тошкент давлат техника университетида сиртдан ўқишига шартнома асосида пул тўлашга рухсат берганлиги учун ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида жарима солиниб, бундан кейин шундай камчиликларга йўл қўйган тақдирда, қаттиқ интизомий жазога тортилиши кўрсатиб ўтилди. Корхона ҳуқуқшуноси О.Чориев, корхона кадрлар бўйича бош мутахассиси М. Расулова ва Сариосиё нефть базасининг ходимлар бўйича мутахассиси И. Астановаларга юқори ташкилотларнинг буйруқ ва кўрсатмаларини сўзсиз бажарилишида лаёқатсизлик ва ўзибўларчилик кайфияти билан ёндашганликлари учун кўрсатиб ўтилиб, бундан кейин қайд этилган хато ва камчиликлар қайтарилган тақдирда кескин интизомий жазо чоралари қўлланиши тўғрисида огоҳлантирилди. Сариосиё нефть базаси бош бухгалтери З. Махмаевага юқори ташкилотларнинг кўрсатма ва буйруқларини қўпол равишда бузиб, нефть база директори Я. Рамазоновга ТошДТУда сиртдан ўқишига шартнома асосида 68 минг сўм ўтказиб берганлиги учун хайфсан эълон қилинди. Сариосиё нефть базаси директори Я. Рамазоновга «Сурхондарёнефтмаҳсулот» корхонасининг 1999 йил 25 августдаги 137-сонли Ҳ. Алимардоновни 1999 йил 31 августдан Сариосиё нефть базаси бош оператори лавозимига тиклаш тўғрисидаги буйруғини ва ушбу масала бўйича нефть базасида ўтказилган меҳнат жамоасининг мажлис қарорини ўзбошимчалик билан бажармаганлиги, нефть база жамоаси орасида соғлом муҳитни яратишга етарли даражада чоралар кўрмаганлиги учун ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида жарима солиниб, бундан буён шундай камчиликларга йўл қўйган тақдирда эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланиши кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари компаниянинг юқорида қайд этилган буйруғи билан «Сурхондарёнефтмаҳсулот» корхонаси раҳбариятига газетада чоп этилган «Рамазонов қонундан зўр...ми?» мақоласини текшириш ишчи гуруҳининг хулосалари бўйича аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар тузиб олиш ва ижросини таъминлаш, амалдаги меҳнат қонунларига зид равишда лавозимларидан бўшатилган ходимларни, жумладан Сариосиё нефть базаси бош оператори Х.Алимардоновни лавозимидан бўшатиш тўғрисидаги «Сурхондарёнефтмаҳсулот» корхонасининг 1999 йил 19 октябрдаги 179-сонли буйруғини бекор қилиш ва зудлик билан ушбу хато-камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида топшириқлар берилди.

Ўрнатилган тартиб ва қоидаларни бузган ҳолда Я. Рамазоновни ТошДТУ ўқиши учун тўлаган 68 минг сўм пул Я. Рамазонов томонидан Сариосиё нефть базаси кассасига 2000 йил 4 январь куни 2-сонли квитанция билан кирим қилинди.

Мақолада қайд этилган ҳолатларни текшириш давомида Сариосиё нефть базасининг собиқ бош оператори Х. Алимардонов томонидан ҳам иш фаолиятида қатор хато ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги, корхона ва нефть базанинг «кўнгли бўш» раҳбарларининг айби билан ушбу масала охирига етказилмаганлиги, бундан ташқари Х. Алимардонов муқаддам судланган бўлиб, у 1977 йил 22 августда Ўзбекистон Республикаси ЖК 84-моддасининг 3-қисми билан 6 йилга озодликдан маҳрум қилинганлиги аниқланди (Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг 2000 йил 21 декабрдаги 17/1073-сонли маълумотномаси илова қилинади).

■ **«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси бош директори**
А.АҲМЕДОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: кўриб турибсизки, жавоб хати «семизгина». Айбдорларга нисбатан қўлланилган интизомий жазолар ҳам чакки эмас. Чунки нефть базаси директори Я. Рамазонов ва бошқа мансабдор шахслар ўртача ойлик маошининг 50 фоизидан маҳрум бўлиши... улар учун рўзғорини гангитиб қўйиши тайин. Бу жазо улар учун эсдан чиқмайдиган сабоқдир. Лекин бизнинг кўнглимиз тўлмаган нуқталар ҳам йўқ эмас. Чунончи, жавоб хатининг якунида нефть базаси раҳбарларининг «кўнгли бўш»лигини таъкидлаш ва мақола қаҳрамони Х. Алимардоновнинг қачондир судланганлиги ҳақидаги маълумотномани илова этиш билан жаноб А. Аҳмедов нимага шаъма қиляпти? Балки мана, кўриб қуйинглар, газета муқаддам судланган кишини ҳимоя қилаяпти, демоқчидир. «Ўзнефтмаҳсулот» АК бош директори буйруғи билан тузилган гурух Х. Алимардоновнинг бундан 33 йил илгари қайсидир гуноҳи учун судланганини (?) аниқлабди-ю, мақолада баён этилган — Тожикистон чегараларига яқин, автойўлдан йироқ, хилват гўшаларда жойлашган АЁҚШларга нега бир ойда 820 тонна автобензин берилгани ҳақида лом-лим демаган. Ёки Рамазоновнинг шахсий АЁҚШлар, данғиллама уй-жойлар қураётганичи? Бу масалалар муҳокамага арзимайдими? Ҳолбуки, мақолада кўтарилган шу муаммоларга ҳам ойдинлик киритилганда жавоб хати янада тўлақонли, мазмунли бўлармиди?!

◆ МАФКУРА ВА МИЛЛАТ

ХАЛҚНИ РУҲЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Истиқлол ҳаётимизнинг барча соҳаларида, тафаккуримизда туб ўзгаришларга кенг йўл очиб берди. Эндиликда биз келажаги буюк, халқи фаровон турмуш кечирувчи, ижтимоий адолатли, ҳуқуқ ва ҳуқуқий муносабатлар устувор бўлган демократик жамият барпо этишимиз керак. Бундай жамиятни барпо этиш осонликча ва тезда амалга ошмайди. Унинг учун биринчи навбатда мамлакатимизнинг иқтисодий негизини мустаҳкамлашимиз, ишлаб чиқариш кучларини кенг кўламда ва ҳозирги замон илғор технологияси асосида ривожлантиришимиз, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлишимиз керак. Бунинг учун бизда шарт-шароит мавжуд.

Жамиятни, миллатни жипслаштирувчи, унинг нурли келажагини, истиқболини аниқлаб берувчи куч бу — ҳаётбахш миллий ғоя ва миллий мафкурадир. Миллий ғоя халқнинг ирода ва интилишларини, орзу-умидларини, эзгу мақсадларини амалга ошириш йўлида бутун жамиятни, унда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларни бирлаштирувчи, уларнинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқарувчи беқиёс омил ва маёқдир.

Бизнинг бош стратегик миллий ғоямиз — бозор иқтисодиётига асосланган, адолатли, ҳуқуқий, жаҳон ҳамжамиятида нуфузли ўрин эгаллаган, озод ва обод демократик жамият барпо этишдир.

Миллий мафкура эса янги жамият қураётган мамлакатимиз тараққиёти қонунлари ва тамойилларидан келиб чиқадиган, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва маънавий эҳтиёжлари ҳамда манфаатлари, туб ва устувор тараққиёт йўллари, мақсадлари, муаммоларини ифода этувчи қарашлар, фикрлар ва ғоялар тизимидир. Мафкура жамият тараққиётини тезлаштиришда, ҳар фикрни ривожлантиришда, ўз олдига қўйган мақсад ва муддоаларга етишишда кучли маънавий қуролдир.

Биз 70 йилдан зиёд шўро империяси даврида яккаҳоким бўлган ғайриинсоний ва ғайриилмий, зўравонлик кучи билан кишилар онгига мажбуран сингдириб келинган, амалда эса сохта коммунистик ғоя билан яшадик. У тарих синовига бардош беролмади, таназзулга учради ва ич-ичидан чириганлиги сабабли осонгина улоқтириб ташланди. Советлар даврида коммунистик ғоя, мафкура бутун жамиятнинг ғояси деб эълон қилинган эди. Ваҳоланки, бу бутун жамиятнинг эмас, балки унинг бир бўлаги, битта партиянинг мафкураси бўлиб, у зўравонлик билан мажбуран тиқиштирилди, натижада жамият тоталитар, диктаторлик тузумга мубтало бўлди.

Келажаги буюк жамиятни барпо этиш учун унинг асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак. Бу асослар нималардан иборат?

Иқтисодий асосини — меҳнаткашларни иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган, бозор муносабатларига таянган иқтисодиёт ташкил қилади.

Ижтимоий асосини — ишчилар ва деҳқонлар, зиёлилар ва хизматчилар, тадбиркорлар ва фермерлар, амалдорлар ва ўқувчилар ҳамда бошқа турли меҳнат билан шуғулланувчи қатлам, тоифа ва гуруҳлардан иборат меҳнатчилар ташкил этади.

Сиёсий-ҳуқуқий асосини — ҳокимият аниқ тақсимланган, фақат қонун асосида бошқариладиган кўппартиялилик сиёсий тизимига асосланган мустақил фуқаровий, ҳуқуқий, адолатли давлат ташкил этади.

Маънавий асосини — ўзбек халқининг бой маданий мероси, анъаналари, ахлоқий, диний қарашларини, барча қадриятларини ўзида мужассамлаштирган истиқлол мафкураси ташкил этади.

Миллий истиқлол мафкураси жамиятимиз тараққиётининг объектив талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллатлар ва халқларнинг, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, партиялар ва уюшмаларнинг, тадбиркорлар, ёшлар, фахрийлар, аёллар ва диний уюшмаларнинг иқтисодий, маданий, сиёсий, ижтимоий эҳтиёж ва манфаатларини ўзида акс эттириши, шунингдек, ҳимоя қилиши керак.

Шуни айтиш керакки, дунёда биронта жамият, элат, миллат ва халқ мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унга хизмат қиладиган мафкураси бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: «Мафкурани шакллантириш жараёнида авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги — бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосланиш лозим». Демак, миллий ғоя ва миллий мафкурасиз, аниқ мақсадсиз жамият тараққий этмайди. Илғор, замонавий ғоя ва мафкурага таянмасдан туриб келажак сари қадам ташлаб бўлмайди.

■ **Абдулҳай ВАЛИЕВ, фалсафа фанлари доктори**

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИН ЎЙЛАБ...

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Биз озод Ватан, буюк мамлакатнинг фарзандларимиз. Бугун жаҳонда ўз мавқеимиз, ўз ўрнимиз бор. Эртанги кунлардан умидимиз катта. Ўтмишимиз буюк бўлган, келажагимиз ҳам буюк бўлишига ишонамиз. Бизда фахр ва ифтихор туйғуси мужассам. Киндик қонимиз тўкилган она заминга таъзим қиламиз. Кўнглимиз осмон қадар юксалади. Юртнинг сарҳадларини қўриқлаш учун, жон фидо қилишга тайёр, Ватан ҳимоячилари турибди. Улар Юртбошимизнинг: «Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлган ҳарбийларимиз ғалаба қўшиннинг сони билан эмас, балки жангчининг мардлиги, ирода ва матонати, жанговар маҳорати билан қўлга киритилади», — деган ҳикматини доимо ёдда тутадилар.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбек рақс» миллий рақс бирлашмаси, ҳамкорликда, ҳарбий бўлинмада катта байрам дастурини ўтказдилар. Биз аскарлар билан суҳбатлашиб, шуни ҳис қилдикки, армия сафларига келган ҳар бир ўғлонда ватанни кўз қорачиғидек асраш бурчи, Ватан учун муносиб фарзанд бўлиш, унинг ҳар бир қаричини азиз билиб, ҳимоя қилишни қалбига сингдириб яшаётганига амин бўлдик.

Санъаткорлар ижодий жамоасининг миллатни улуғловчи, аскар ва зобитларни мадҳ этувчи, ватанимиз фарзандларига бағишланган куй ва қўшиқлари томошабинларни тўлқинлантириб юборди. Шоирлар Қўчқор Норқобил, Рустам Мусурмон, Шуҳрат Ориф, Дилфуза Маллаеваларнинг аскарларга аталган шеър ва табриклари ҳозир бўлганлар қалбига ўзгача ғурур бағишлади. Ҳар бир аскар юрагида хизмат бурчини адо этаётгани учун мамнуният ҳисси уфуриб турган бўлса, не ажаб. Концерт якунида, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ва ҳарбий бўлинма ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Байрамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

Ватан озодлиги, юрт тинчлиги посбонлари бўлган ҳарбийларимиз кўнглида бу учрашув муҳрланиб қолишига ишонамиз. Уларнинг кўзлари тийран, нигоҳлари юксак чўққилар томон тикилган. Аскарларнинг қалб муддаосига айланган тинчлик абадий бўлсин!

■ **Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли**

ТУҲФА

«МЕН ГЕНЕРАЛ БЎЛАМАН»

«Чўлпон» нашриётида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 9 йиллиги арафасида И. Абдукаримовнинг «Мен генерал бўламан» китоби нашр этилди. Нашриёт директори Омон Матжон билан ана шу китоб ҳақида суҳбатлашдик.

– Ҳа, шундай китоб чиқариш менинг кўп йиллик орзуим эди. Болаларимиз армиямизни, унинг тузилиши, салоҳиятини, қўшин турларидан тортиб унвонлар, мукофотлар, ҳарбий доктрина, қасамёд, ҳарбий билим юртлари,

қўйингки, жуда кўп маълумотларни билишлари шарт.

Китоб асосан юқори синф ўқувчилари, лицей, гимназия ўқувчиларига мўлжалланган. Лекин бу маълумотларни ота-оналар ҳам билиб қўйса фойдадан ҳоли бўлмайди. Китобга ҳомийлик қилган «Ватанпарвар» ташкилоти республикамиз ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлашда катта салоҳиятга эга бўлган ташкилотдир. Улар китобга дастлабки ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб бу китобни вилоятларга муайян нусхада етказиб беришади. «Мен генерал бўламан» китоби ҳар бир мактаб кутубхонасида бўлиши ниҳоятда муҳим. Буюртма бўлса, лотин алифбосида тез ва соз камхаржроқ нашрини босиб бера оламиз.

– Китоб сотилиши қандай ташкил қилинади?

– Ҳа, бу арзон китоб эмас. Юксак технология билан юқори сифатли қоғозга босилган. Шунинг учун мутасадди ташкилотлар, идоралар бу китобни ҳар бир мактабга етиб боришига ҳиссаларини қўшишлари лозим. Истиқлол ҳимоячиси – баландпарвоз гап эмас. Энди бу китобни мактабларга етказиш чоралари ҳақида ўйлаб кўрилса яхши бўларди.

■ **Турсунали ЎРМОНОВ суҳбатлашди.**

◆ ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Сирдарё вилоят электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Абдуманнап ҚЎЧҚОРОВ билан суҳбат

ИСТИҚЛОЛ ЧИРОҒИ

— Абдуманнап Ғуломович, жамоангиз 2000 йилни қандай кўрсаткичлар билан якунлади?

— Вилоятимиз аҳолисига 3 миллиард 300 миллион сўмликдан ортиқ электр энергияси етказиб бердик. Шу жумладан, пулли хизмат учун ажратилган электр қуввати 342 миллион сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни вилоятимиз иқтисодий қувватининг ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини таъкидлаб ўтсак арзийди.

— Бугунги кунда қайси ташкилотлар асосий истеъмолчиларингиз ҳисобланади?

— Вилоятимизда аграр сектор устувор. Электр қувватининг 60 фоиздан кўпроғи аграр секторга сарфланади. Саноатимизга 15-20 фоиз, қолгани эса пуллик хизматга ишлатилади.

— Демак, вилоят иқтисодида саноатчилар улуши анча кам экан-да?

— Қишлоқ хўжалигига эътиборни сусайтирмаган ҳолда вилоят саноатини ривожлантириш давр тақозоси бўлиб турибди. Бундан буён тадбиркорлар, ишбилармонлар, чет эллик шериклар билан ҳамкорликда бу соҳани ривожлантириш керак. Биз электр тармоқлари ходимлари саноатнинг ривожланишидан манфаатдормиз. Чунки, саноатни ривожлантирмай туриб тараққиётга эришмоқ қийин.

Ташкилотимизнинг Гулистон, Сирдарё, Мирзаобод туманлари ҳамда Гулистон шаҳри бўлинмалари жамоалари йилни ҳар томонлама яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Корхонамиз жамоаси ва электр узатиш тармоқларини таъмирлаш ишларини тўлиқ ва юқори савияда бажардилар.

— Жамоани қайси муаммолар кўпроқ безовта қилмоқда?

— Бу — фойдаланилган электр энергияси учун тўлов муаммолари. Вилоятимиздаги турли ташкилот ва корхоналарнинг биздан дебиторлик қарзлари 240 фоиздан ошиб кетди. Белгиланган тартиб бўйича жамоамиз аслида, нари борса, 20 фоизли қарз юкига бардош бера олиши мумкин. Ўртадаги фарқни қаранг, ахир у озмунчами? Биз ҳозир ана шу қарздорлар билан тегишли ишларни олиб бораётирмиз. Жумладан, вилоят ҳокимлигига баъзи таклифлар билан чиқдик, улар бизнинг саъй-ҳаракатларимизни маъқуллашмоқда. Яқин келажакда бу муаммога ҳам ечим топилиб қолса ажабмас.

— Кейинги йилларда негадир ихтирочилар, қўли гул усталар ҳақида кам гапириладиган бўлиб қолди. Сизнинг ташкилотингизда бу масалага эътибор қандай бўлаётир?

— Жамоамизда 1099 киши меҳнат қилади. Шулардан 90 фоизи саноатчилар ва қолганлари эса муҳандис-техник ходимлардир. Шунча одам ишлайдиган жойда ижодсиз, янгиликларсиз яшаш мумкинми? Йўқ, албатта. Биз ўтган йили ихтирочи ва рационализаторларимиз томонидан тақдим этилган 28 та янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этдик ҳамда улардан 300 минг сўмдан зиёд фойда кўрдик.

— Абдуманнап ака, олдинда турган муҳим ишлар, режалар ҳақида билишни истар эдик...

— Режалар ҳақида олдиндан гапириш бироз ноқулай бўлса-да, баъзи ишларни тилга олиб ўтсак арзир. Биз Гулистон шаҳридаги Уйсозлик комбинати ҳудудидаги яроқсиз қолган биноларни сотиб олдик. Бу ерда эса яқин келажакда симёғочлар ўрнида ишлатиладиган темир-бетон устунлар, плиталар, бошқа ўз эҳтиёжимиз учун зарур бўлган 5-6 хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бу эса ўзига яраша катта сарф-харажатлар билан боғлиқ. Ана шу йўлдаги баъзи муаммоларни ҳал этдик, қолганлари ҳам ечилади.

■ **Суҳбатдош: Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚ

Жамиятга теран нигоҳ ташлаш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англаб олиш ҳуқуқий демократик жамият сари одимлаётган мамлакат ёшларининг муҳим вазифаси бўлмоғи керак.

Ўзбекистон ХДП МК ҳузуридаги «Истиқбол» ёшлар клуби «Ёш лидерлар» гуруҳининг яқинда бўлиб ўтган машғулоти ана шу мавзуга бағишланди. Унда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова иштирок этиб, эртанги кун эгалари, яъни ёшларга ҳуқуқий саводхонликни ошириш, инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Қизғин баҳс ва мунозаралар остида ўтган йиғин ёшларга ўз бурч ва мажбуриятларини англашда қўл келиши тайин.

***

Шу куни «Истиқбол» ёшлар клуби «Ёш иқтисодчилар» гуруҳининг ҳам навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

■ **Комила НОСИРОВА**

«ВАТАН ҲИМОЯСИГА ҲОЗИРМИЗ!»

Ватан ҳимоячилари куни Янгибозор туманида эсда қоладиган даражада нишонланди. Байрам тантаналари асосан ёшлар — туман мактабларининг юқори синф ўқувчилари, тумандаги саноат касб-ҳунар коллежи талабалари иштирокида ўтди. Аввалида «Хотира майдони»да бўлиб, иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қолган қаҳрамон жангчилар пойига гулчамбарлар қўйилди. Коллежнинг мажлислар залидаги йиғилишда эса истеъфодаги ҳарбийлар — Мақсуд Қурбонов, Зарифбой Эшмоновлар ёшларни ватан ҳимоячилари бўлишдек шарафли бурчни ўташ, бунга ҳозирдан жисмонан чиниқиш ҳақида тилаклар изҳор этишди.

Энг қизиқарлиси, коллеж ёшлари тантаналарда бир қатор ҳарбий машқлар кўрсатишди, ўзларининг жисмоний баркамол эканлигини мусобақаларда намойиш этишди.

Тадбир ХДП туман кенгаши билан ҳамкорликда ташкил қилиниб, унда байрам қатнашчилари шарафига туман маданият бўлими артистлари катта концерт намойиш этишди.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

СУРАТЛАР АЙБЛАЙДИ

Фарғона вилоятининг «Қапчуғай» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Олтиариқ туман юқумли касалликлар шифохонаси биноси бугун аянчли аҳволга келиб қолган. Унинг деворлари ҳали қуламаслигига ишонсакда, аммо ички томонга кирганда юрагингиз ғулғулага тушиши табиий.

Ушбу шифо масканига бўлган эътиборсизлик муаммо устига муаммони туғдираверган. Ёғингарчилик кунларида бу ерда ишлаш, даволаниш азоб. Қиш мавсумида ҳаёт янада ташвишли. Хоналар совуқ, иситиш ишлари умуман йўлга қўйилмаган. Аксига олиб, электрнинг тез-тез ўчиб туриши вазиятни оғирлаштирмоқда.

Тўғри, бинони иситиш борасида бир-икки уринишлар ҳам бўлди. Иситиш қозонини қуриш бошланган эди. Минг афсуски, бу иш ҳам ўлда-жўлда қолди. Келтирилган иситиш тармоқларининг керакли жиҳозлари ташландиқ ҳолда. Бу ишни ўз зиммасига олган тумандаги сутни қайта ишлаш корхонаси мутасаддиларининг ваъдаси ҳам саробга айланди. Натижада, даволанишга келган беморлар (аксарият ёш болалар) қишли-қировли кунларда «жон сақлаш»лари учун электр иситгичларни ўзлари билан олиб келишга мажбур бўлишмоқда. Электр таъминотидаги бошбошдоқликлар сабаб шифокорлар баъзида шамчирокдан «паноҳ» топаётирлар.



Юқумли касалликлар шифохонасида тоза ичимлик сувининг йўқлигига нима дейиш мумкин?! Ахир, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, деган гаплар ҳам бор-ку?

Олти йилдан буён таъмирга муҳтож бу юқумли касалликлар шифохонасида ҳаёт шундай давом этмоқда. Дарвоқе, юқорида таъкидланган аҳволни яхшилашга шифокор-мутаассаддилар кўп бора уриниб ҳам кўришди. Сон-саноқсиз хатлар ёзилди. Лекин бу ҳаракатлар самарасиз қолмоқда.

Суратларда: *шифохонанинг аянчли аҳволи.*

■ **Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

ЖАВОБГАР ҲАМ, ДАЪВОГАР ҲАМ ЖАЗОЛАНДИ

Тошкент шаҳар хўжалик суди низодаги ҳар икки томонни айбдор деб топди

ЛКАЖ «Сифат» 36-қурилиш бошқармаси корчалонлари 1999 йилнинг 26 август кунида буюртмачи сифатида «Вентиляционник» корхонаси билан шартнома тузади. Унга кўра буюртмачи бажарувчининг ҳисоб рақамига келишилган маҳсулот ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаши, бажарувчи эса маҳсулот ҳақи ҳисоб рақамига келиб тушгандан кейин 30 кун ичида буюртмачига шартномадаги хизматни кўрсатиши керак эди. Лекин пули йўқ буюртмачига «сехрланган» бажарувчи шартномага хилоф равишда олдиндан бирор сўм ҳам олмай туриб 104104 сўмлик маҳсулотни бериб юборди.

Бажарувчига бу айни муддао бўлди. У шартномада кўзда тутилган маҳсулотни олишга олди-ю, лекин пулини тўлашга келганда ғирромлик қилиб «пулим бўлса бераманда» деб тураверди. Алдангани билан «Вентиляционник» нима қилишни билмай бош чангаллаб қолаверди. Ниҳоят, у шаҳар хўжалик судига ариза берди. Албатта, унгача қарздорга бир неча бор хат ёзиб, шартномада кўзда тутилган хизмат учун келишилган пулни ҳисоб рақамига ўтказиб беришни сўради. Лекин қарздор «сур» бўлиб турavergач, судга мурожаат қилди.

«Вентиляционник» билан ЛКАЖ «Сифат» 36-қурилиш бошқармаси ўртасидаги мулкий низони кўриб чиққан хўжалик суди даъвогарга жавобгардан шартномада қайд этилган 104104 сўмни ундириб бериш ҳақида қарор қабул қилди. Шундай қилиб буюртмачи бажарувчига кўрсатган хизмати учун тегишли суммани топиб берадиган бўлди. Лекин бу ишни то суд кўргунгача чўзиши анча қимматга тушди. Негаки, энди у суд қарорига биноан 3123 сўм давлат божи, шунингдек, кўрсатилган почта хизмати учун 1225 сўмни қуртдек қилиб санаб берди.

Энди масаланинг даъвогарга тегишли яна бир томони борки, унга ҳам тўхталмай иложимиз йўқ. Юқорида таъкидлаганимиздек, даъвогарнинг ўзи ҳам шартноманинг тегишли бандларини қўпол равишда бузиб, кўрсатажак хизмат ҳақи ҳисоб рақамига тушмай туриб, маҳсулотни бериб юбораверган. Оқибатда икки томон учун муддати узайтирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юзага келган. Бу билан бирга даъвогарнинг ўзи ҳам шартнома шартларини бузган ва Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириши борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларига хилоф иш қилган. Шунингдек, у мазкур қарзни ўз вақтида ундириш бўйича аниқ чоралар кўрмасдан Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони талабларини ҳам бузган. Шунинг учун ҳам суд «Вентиляционник» мутасаддиларини Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик кодексининг 176-1-моддасидаги ҳуқуқбузарликни содир этган, деб топди ва даъвогар корхона директори Кан Антонинани 8750 сўм миқдорида жарима жазоси билан жазолади.

Ўзаро шартнома тузишга тузиб қўйиб, унинг шартларини бажармаётган, шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик қарзларига барҳам беришни асоссиз равишда чўзаётган корхонанинг раҳбарлари учун бу мисол сабоқ бўлиши керак. Шундай эмасми?

■ **Шуҳрат ХЎЖАНАЗАРОВ, Тошкент шаҳар хўжалик судининг судьяси, Мурод КАЛОНХОН, журналист**

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 560 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Бу йил буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудига 560 йил тўлади.

Таниқли ёзувчи Омон Мухтор ўзининг узоқ изланишлари натижаси, янги «Ишқ аҳли» деган роман ёзди. Асарда улуғ шоир ва мутафаккир ҳаёти ва ижоди ўзига хос, замондошимиз назари билан ёритилади. Асардан бир парчани сиз газетхонлар эътиборига ҳавола қиляпмиз.

ИШҚ АҲЛИ

Алишер одамлар (айниқса, ЗОҲИДЛАР)нинг ҳар хил таъна-дашномларидан асраниш учун атай ўзининг «бекаслиғ»ига уларни ҚИЗИҚТИРИБ ҚЎЙМАГАНМИКАН?! У ўзи ва ўз ҳаётини «пардалаши», «яшириши»га ҳам, ана, сабаб қаерда! Ҳамма (Ҳусайну Ҳадичадан тортиб) унга КАТТА БИР Муҳаббат буюргани, у ЁЛҒИЗЛИК ва ҲИЖРОНдан иборат умрни Шу Муҳаббат билан «тўлдиргани»ни билмай қолаверган. (Кам ўқиб, кам тушунгандан, биз ҳам бехабар юрганмиз!) Ҳолбуки, Алишер Шу Муҳаббатсиз унинг ҳаёти беранг эканлигини мутлоқ яширмаган:

Ўтқа солғил сарвни — УЛ ҚАДДИ МАВЗУН бўлмаса,
Елға бергил гулни — УЛ РУХСОРИ ГУЛГУН бўлмаса.

Бир гал Номаълум Гўзал келиб-кетгандан («ёр бордию») кейин, негадир бундай:

Ҳижрону висолни — кўпу оз, дема, Навоий,
Юз шукр де-ким, кўпи бориб, ози қолибдур.
Ниманинг кўпи?!
Ниманинг ози?!
Жумбоқ.

Ҳижроннинг кўпи ўтиб, доимий ВИСОЛга оз қолганми ёки висолнинг кўпи ўтиб, яна одатдаги ҲИЖРОН яқинми?!

